

## КҮП МАРТА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЎОКЛАМА ОСТИДА ГРУНТ ЗИЧЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ

**Абдуллаев Азимжон Карим ўғли.**

Термиз давлат университети

Архитектура ва қурилиш факултети талабаси

Илмий раҳбар: **Убайдуллаев Анвар Азамович.**

**Аннотация:** Автомобиль йўли ва ундаги иншоотларнинг мустаҳкамлиги, устуворлиги ва чидамлилиги кўп жиҳатдан унинг асосий қисми бўлган йўл пойи мустаҳкамлигига боғлиқдир. Йўл тўшамасининг мустаҳкам бўлиши ва хизмат муддати давомида деформацияларга учрамай ишлиши учун йўл пойи грунти етарлича зичланган бўлиши лозим

**Калим сўзлар:** юклама, лёссимон, деформация, оқувчанлик чегараси, штамп, зичланиш

Автомобиль йўли ва ундаги иншоотларнинг мустаҳкамлиги, устуворлиги ва чидамлилиги кўп жиҳатдан унинг асосий қисми бўлган йўл пойи мустаҳкамлигига боғлиқдир. Йўл тўшамасининг мустаҳкам бўлиши ва хизмат муддати давомида деформацияларга учрамай ишлиши учун йўл пойи грунти етарлича зичланган бўлиши лозим [1]. Автомобилдан йўл тўшамаси орқали йўл пойи лёссимон грунтига тушадиган юклама кўп марта ва қисқа вақт таъсир қиласи. Таҳлиллар кўп марта ва қисқа вақтли юкламани таъсирини ўрганиш асосан ҳар хил ўлчамли штампларни грунтга сиқиш йўли билан олиб борилганлигини кўрсатди. Штампни грунтга сиқиб борилганда, маълум бир шароитда, уни четида пластик худуд ҳосил бўлади. Натижада грунтни чўкишини зичлаштириш натижасида ёки грунтни штамп ёнидан четга силжиши


натижасида бўладими, ажратиш қийин бўлади. Шунинг учун қолдик деформацияни, яъни кўп марта ва қисқа вақт таъсир қилувчи юклама таъсири остидаги грунтни чўкишини уни зичлигини ўзгаришига боғлаб компрессион тажрибаларда ўрганилди. Бунда пластик худудни ҳосил бўлишининг олди олиниб, фақат грунтни зичланиши натижасида ҳосил бўладиган қолдик деформация ўрганилади.

Лёссимон грунтларда қолдик деформацияси ёки кўп марта ва қисқа вақт таъсир қиладиган юкламалар таъсирида бирламчи зичликни ўзгариши Н.Н. Масловнинг [2] чўкиш модули билан ифодаланиб, қуйидагича аниқланади:

$$a = \frac{\Delta h}{h} 1000$$

бунда  $\Delta h$  - грунт намунасининг маълум кўп марта ва қисқа вақт таъсир қилувчи юкламалар таъсирида ҳосил бўлувчи мутлақ деформацияси, мм;  $h$  – намунанинг дастлабки баландлиги, мм.

Кўп марта ва қисқа вақтли юкламалар таъсирида юзага келадиган деформацияларни ҳосил бўлиш характерини ўрганиш учун намуналар тайёрланди ва тажрибалар ўтказилди. Грунт намунасининг намлиги ( $0,55$ - $0,98)W_{OK}$ да ( $W_{OK}$ -грунтнинг оқувчанлик чегарасидаги намлиги) ва зичланиш коэффициенти  $0,96$  бўлганда, унга кўп марта ва қисқа вақтли  $0,1$  МПа юклама таъсир қилганда, унинг зичлигини ўзгариш қонунияти ўрганилди. Юкламанинг энг кўп таъсир сони  $10^6$  бўлгандаги тажриба натижаси 1-расмда келтирилган.



**1-расм.** Лёссимон чангли енгил супеснинг зичланиш коэффициентини унинг бошланғич қиймати **0,96** бўлганида, кўп марта ва қисқа вақт таъсир қилувчи юклама  $P=0,1$  МПа остида,  $N_p=10^6$  бўлганда намликка қараб ўзгариши.

1-расмда акс эттирилган чизмани таҳлили, лёссимон чангли енгил супеснинг зичланиш коэффициенти 0,96 ва намлик миқдори  $(0,55-0,80)W_{OK}$  оралиғида бўлганда, кўп марта ва қисқа вақт таъсир қилувчи юклама  $P=0,1$  МПа  $N_P=10^6$  марта таъсир қилганда, зичлик миқдори деярли ўзгармаганини кўрсатади. Бундай намлиқдаги грунтда таъсир этувчи кучларга нисбатан унинг қаршилиги катта бўлади. Намлик  $0,80W_{OK}$  дан катта бўлганда зичлик миқдорини ўзгариши кузатилади. Чунки бу намлик, таъсир сони ва юк таъсирида грунт намунасидан сувни сиқиб чиқарилиши осон кечади, грунтнинг қаршилиги нисбатан кичик бўлади. Агар зичланиш коэффициенти 0,96 дан катта бўлса келтирилган юк миқдори ва таъсир сонида бошланғич зичланиш коэффициенти ўзгариши янада оз бўлиши керак. Бу хulosани кейинги олиб борилган тадқиқотлар тасдиқлайди.

Ўтказилган тадқиқот натижасида грунт намлиги  $(0,55-0,80)W_{OK}$  бўлганда грунтнинг мустаҳкамлиги ўзгарса бу унинг зичлигига боғлиқ эмаслиги ва намлиги  $0,80W_{OK}$  дан катта бўлганда мустаҳкамликнинг ўзгариши унинг зичлигини ошиши билан тушунтирилиши мумкин. Амалдаги йўл пойида намлик миқдорини  $(0,55-0,70)W_{OK}$  бўлишини ҳисобга олсак ва зичлик юклама таъсирида ўзгармаса, грунтнинг силжишга мустаҳкамлиги унда бўладиган шакл ўзгариш деформацияси билан тушунтирилиши мумкин.

### Адабиётлар

1. Каюмов А.Д., Махмудова Д.А., Холияров У.А. Лёссимон грунтли йўл кўттармасининг мустаҳкамлиги. Монография. - Т.: ТошДТУ, 2012. -125 б.
2. Маслов Н.Н. Основы инженерной геологии и механики грунтов. –М.: Высшая школа. 1982. –511 с.